

ЯНГИ ЙИЛ БИЛАН, АЗИЗ ЮРТДОШЛАР!

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган

1998 йил 1 январь, пайшанба

№ 1 (10.984)

Эркин нархда сотилади

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА ЯНГИ ЙИЛ ТАБРИГИ

Муҳтарам ватандошлар!
Азиз юртдошлар!
Авалло, барчангизни бағримга босиб, кириб келаётган Янги йил байрами билан чин қалбдан муборакбод этаман.

Шу кутлуг дақиқаларда байрам дастурхони атрофида ўтирган ҳар бир инсоннинг онги ва қалбидан умидбахш ўйлар, эзгу ораулар кечади. Утган бир йиллик умр ҳаёбан сарҳисоб қилинади. Эртанги куннинг ёруғ режалари тусзилади.

Янги йил байрамининг ўзига хос бир томони бор. Бу пайтда, чақалоқдан тортиб кекса мўйсифидга қадар, кишининг ёшига ёш қўшилади. Янги йил фарзандларимизнинг балоғатга, камолотга яқинлашганидан далолат бериб бизни қувонтиради. Нуроний отахонларимиз, мунис онахонларимизни яна ҳам мўътабарроқ, яна ҳам табарруқроқ қилади. Биз уларга янада кўпроқ меҳр билан қарайдиган, эъозлайдиган, иззат-икромига етадиган бўламиз.

Азиз ватандошлар!
Утаётган йил халқимиз, мамлакатимиз учун ҳар томонлама хайр-баракали, шарофатли йил бўлди. Инсон манфаатлари йили ҳаётимизда ўз самараси, ўз таъсирини берганини кўп мисоллар орқали олис кишлоқларимизда ҳам, катта-кичик шаҳарларимизда ҳам сезиш мумкин.

Энг муҳими, 1997 йил юртимизда тинч ва осойишта кечди. Фарзандларимиз қаторига фарзандлар қўшилди. Юртимизнинг янада обод бўлиши учун катта ишлар қилинди. Янги қорхоналар, янги иншоотлар барпо этилди. Ватанимиз кудрати ва салоҳиятини, халқаро обрў-эътиборини юксалтиришга қаратилган кўпдан-кўп тадбирлар амалга оширилди.

Янги ҳаётимизни куриш, қўзлаган манзилимизга етиш учун анча тажриба орттирдик.

Иқтисодиётимиздаги барқарорлик ва ўсиш суръатлари туйғай халқимизнинг ҳаёт даражасини яхшилашда, янги босқичга қўтаришда ижобий натижаларга эришди. Қадр-қиммат, оқибат, аҳиллик, меҳр-муруват каби миллатимизга мансуб фазилатлар



жамиятимиз ҳаётидан тобора мустаҳкам жой олмоқда. Мана шуларнинг барчасини инобатга олганда, бугунги байрам арафасида юртимизда яшаётган ҳар қайси инсон — деҳқонми, ишчимми, тадбиркор, ҳарбий ёки зиёлимми, эски йилни ўз қилган меҳнатидан рози бўлиб, соф ниёт билан кузатишга, ўзини эл-юртим олдидаги бурчимни бажардим, деб ҳис қилишга, Янги йилга оқ кўнги билан

қадам қўйишга ҳақлидир. Муҳтарам юртдошлар!
Умид қиламанки, Янги йил 1997 йилдан асло кам бўлмайди, иншоолло. Тангри Таолонинг ўзи бизнинг йўлимизни очиб, янги-янги имкониятлар яратмоқда. Йил бошида қилаётган эзгу тилакларимиз, пок ниятларимиз ижобат бўлиши шубҳасиз. Бошлаган савобли ишларимизни давом эттириш йўлида Янги йил муҳим босқич бўлишига аминман.

Мамлакатимизда 1998 йил Оила йили деб эълон қилинди. Халқимиз қадим-қадимдан оилани муқаддас деб билган. Агар оила ахил ва тотув бўлса, жамиятда тинчлик ва ҳамжихатликка эришилади, давлатда осойишталик ва барқарорлик ҳукм суради.

Оила фаровонлиги — миллий фаровонлик асосидир. Мен кўп миллатли мамлакатимиз халқини улуг ва ахил бир оилага ўхшатаман. Шу табарруқ оиланинг кундалик ҳаётида ёруғ ва хурсандчилик кунлар қанча бўлса, мен ўзимни шунчалик бахтиёр деб ҳис қиламан.

Азиз биродарлар!
Янги йил муборак Рамазон ойининг биринчи кунда кириб келаётгани сабабли айниқса қадридир. Қўнра тарих шохидлик беришича, бундай ноёб ҳодиса сўнги марта бундан қарийб тўрт юз йил муқаддам содир бўлган. Янги йилни маънавий-руҳий поклаши билан бошлаётганимиз замирида катта ҳаётий маъно муҳассам. Ҳар ишга поклик, олижаноб ниятлар билан қўл уришни халқимиз бахт-саодат белгиси, деб билади.

Муҳтарам ватандошларим, қадрдонларим!
Янги йилингиз кутлуг бўлсин! Рамазон айёмингиз муборак бўлсин!

Янги йилда ҳар бир хонадонга кут-барока берсин! Кексаларимизнинг умрлари зиёда бўлсин, ёшларимизнинг камолони берсин!

Барчангизга сийхат-саломатлик, осойишталик, фаровонлик, куч-ғайрат тилайман.

Тинчлик-омонлик, бахт-саодат доимо ҳамроҳингиз бўлсин!

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти.

Вилоят ҳаёти

Янгиликлар, одамлар, воқеалар

БАЙРАМ ШОДИЁНАСИ

ОҚЎРҒОН тумани маданият уйида туман ҳокимияти билан маънавий ва маърифат жамоатчилик маркази ҳамкорликда янги йил байрами шодиёнасини ўтказди.

Арча байрамда «Ақма» мой ишлаб чиқариш хусусий қорхонаси раҳбари Абдураҳим Умиров, «Виктория» ҳайрия жамғармаси бошлиғи Лилия Умирова-лар туманда истиқомат қилувчи 45 нафар етим-есир болажонларга юз минг сўмлик кийим-кечак ва байрам совғаларини улашди. Уйин-қулги ва хушқадрақлик билан ўтган кечада туман ҳокими Абдуғани Дехқонбоев қатнашди.

Мирза ҲАМДАМОВ.

“ТҮЙИМИЗГА МАРҲАМАТ”

САВОБЛИ ишни ҳамisha ва ҳар кун қилишга одатланиб қолган «Маҳалла» хайрия жамғармаси Юқоричирчиқ туман бўлимининг соҳоватли тадбирлари вилоят, шаҳар ва туманлар маҳалла жамғармалари раислари, маҳаллалар оқсоқоллари учун ибрат мактаби бўлиб қолди.

Янги йил арафасида вилоят ҳокимлигида бўлиб ўтган шу тизим фаоллари йилги ишлари олдидан туманининг кам таъминланган оилаларида маҳаллалар сўй ҳаракати билан тўйлар ўтказиш тажрибаси видеотасма орқали намойиш этилди. «Тўйимизга марҳамат» деб номланган ўзига хос хужжатли кўрсатувнинг муаллифи ҳам, режиссёри ҳам йўқ. Унинг бунёдкорлари туман маҳалла жамғармаси ва бир қатор маҳаллалар фаолларидир.

Санд ВАЛИЕВ.

«ДАСТАЛАР» БЕЛЛАШУВИ

ҚИБРАЙ туманидаги «Дўрмон» маданият саройида Янги йил арафасида Тошкент давлат маданият институти, маданият ишлари бошқармаси, «Олтин меҳрос» хайрия жамғармаси, маънавий ва маърифат маркази туман бўлимининг ташаббуси билан этнографик — фольклор дасталарининг кўрик-танлови бўлиб ўтди.

Ушбу тадбирда вилоятимизнинг барча туман ва шаҳарларидан 11 жамоа аъзолари қатнашди. Тадбирда зангиоталик ҳаваскорлар гуруҳи биринчи ўринни эгаллашди. Ғолибларга мукофот ва янги йил совғалари топширилди.

Шоносуф МИРЮСУФЗОДА.

ҚЎШМА КОРХОНАНИНГ БУГУНИ ВА ЭРТАСИ

Куйичирчиқ туманидаги Дўстобод шаҳрида «Гул-Мир-Дери» Ўзбекистон-Туркия қўшма қорхонаси ишга тушганига икки ой бўлди. Дастгоҳда бунда маҳаллий ишчилар билан бирга Туркиянинг «I.Тако» фирмаси мутахассислари ҳам ишламоқдалар.

Янги қўшма қорхона «I.Тако» фирмасининг жаҳон андозлари даражасида тайёрланган ускуналари билан жиҳозланган. Тўртинчи қўшма ишлаб илор технологияси ёрдамида баҳарийликда. Маҳсулотларга курак ишлаб бериш мураккаб жараянларини эса компьютерлар ўз зиммаларига олган.

— Орадан икки ой ўтганига қарамай биз ўзимизни худди ўз юртимиздагидек ҳис қилаёмиз, — дейди «I.Тако» фирмасининг технологи Шенел Екуб. — «Гул-Мир-Дери» терини қайта ишлаш соҳасида энг янги техника ва технологияларга эга. Бир кеча-кундузда 2 млн донга терини ишлаш оламиз. Бу маҳсулотдан эса аъло сифатли кўриклар тикилади. Ишончим комилки, тез орада Ўзбекистоннинг ички бозорлари маҳсулот билан таъминланибгина қолмай, четга ҳам мол чиқариш имконияти вуқудга келади.

Раҳим ҚОДИРОВ.

Вилоят ҳаёти

Янгиликлар, одамлар, воқеалар

ҚАЛБЛАРИ ҚУВОНЧГА ТЎЛДИ

Янги йил арафасида вилоятимизнинг барча шаҳар ва туманларида кичкинтойларга президент совғалари топширилди



ШУ КУНЛАРДА вилоятимизнинг барча қорхона, ташкилот ва муассасаларида, ўқув юртиларида арча байрамлари бўлиб ўтмоқда. Бу табиий, албатта. Чунки, Янги йилни арча байрамисиз тасаввур этиш қийин. Аммо, Ангрэн, Олмалик, Чирчиқ шаҳарлари, Бўка, Оқўрғон, Бўстонлик, Қибрай, Пскент, Ўрта-чирчиқ ва Чиноз туманларида ташкил этилган байрам тантаналари меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари, ахтиёрманд оилалар фарзандлари қалбларини алоҳида қувончга тўлдирди. Кичкинтойлар театрлашган сахналарини, куй-қўшиқ ва рақсларни мириқиб томоша қилдилар. Ўзлари ҳам қўшиқ айтиб, ўйинга тушдилар.

Сўзсиз, бу шодиёналар болажонлар қалбиде бир умрга эсда қолади. Айниқса, уларга Президентимизнинг махсус совғалари топширилганда ўзгача шуур чечраларини жалолантирди. Шу кун вилоятимиздан 750 нафар кичкинтойлар ана шундай совғаларни олдилар.

Меҳрибонлик уйлари ва мактаб-интернатларнинг тарбияланувчилари ҳамда кам таъминланган оилаларнинг фарзандларига шаҳар ва туман ҳокимликлари, «Камолот» жамғармаси вилоят бўлими, вилоят халқ таълими бошқармаси, касаба уюшмалари вилоят-кенгаши ва бошқа кўплаб ташкилотлар ҳам ўз эсдалик совғаларини топширдилар. Буларнинг ҳаммаси мамлакатимизда ёш авлод тўғрисида гамхўрлик қилиш сийсатимизнинг асосий бўғини эканлигини яна бир бор намойиш этди.

ЎЗ МУХБИРИМИЗ.

Ушбу суратда Янгийўл туманидаги маданият саройида ўтаётган арча байрами шодиёнасидадан бир лаҳза акс этган. Туман ҳокимлиги бугунгача кам таъминланган оилаларнинг 2 мингга яқин фарзандларига 500 минг сўмлик совғалар улашди. 7 январга қадар давом этадиган байрам шодиёналарида яна кўплаб кичкинтойлар Қорбобо ва Қорқиздан совғалар олишади.

Даврон АҲМАД олган сурат.

ВАТАН ҲАҚИДА СЎЗ

Шу Ватан керак менга, мен унга суянгайман,
Эл аро топса қадр дилмидан суюнгайман.
Ҳатто бир ятроғига қаттиқроқ теҗса шамол,
Сарғайиб, чирт узилиб, нопададек куюнгайман.

Ризқи-ю нарҳаси, давлати ўзи билан,
Дунёнинг сарҳадида жаранлар сўзи билан,
Етмидан етмишгача тилдан қўймас уни,
Ўтмиши улуг, ҳатто, омон-у, бўзи билан.

Темур УБАЙДУЛЛО.

Қўшининг тафтига тенг юраги осмонлар бор,
Фарзандлар кўзларида гуллаган замонлар бор.
Қадиқини эғиб қилган меҳнати обод бўлар,
«Шу Ватан-ота юрт» деб ёнғучи армонлар бор.

Янги йил, янги замон, бу кунлар куртак асли,
Бу диёр тупроғининг неъматини эртақ асли.
Қадами дадил бўлган халқини Оллоҳ қўллар,
Иншоолло, шу Ватан барчага бирдек асли.

Ҳамид НОРҚУЛОВ.

БИРИНЧИ САҲИФАГА СЎЗ

ОРЗУЛАР БИЛАН
ТУВИЛГАН ТОНГ

Кун кеча сафари қариган, ўзининг барча вақолатларини 1998 йил — Оила йилига топширган Инсон манфаатлари йилининг кутлуг давлари кўз олдингиздан ўтган бўлса, ажаб эмас. Утган йилнинг чини билан улкан вазиёларни адо этиш бобида ажойиб воқеаларга бой йил бўлди.

Балки, гул баҳорнинг илк тасвуси, шодиёналарнинг боши Назаруани эслаганлар сизми? Ёки ҳур мамлакатимизнинг пойтахти Тошкентнинг очилиб бораётган жомалини дилингиздан ўтказдингизми?

Жаҳонга оқ очиб борар эканми, Ўзбекистондеган гулдан бир юртининг доверуи ўзгача бир шўққ билан таралганни қанчалар фархобаш эканини ўйлаган бўлсангиз не ажаб. Ўзбекистоннинг буюк маданияти билан танишган олим-новияллар қанчалар хайратда қолганини яна таққорлаш жоизмикин? Ёки диверимизда бўлиб ўтган Украина маданияти кунлари қатнашчилари қадим ва навқирон юртимизнинг ёруғ келажигига ишончлари мустаҳкамланганига асло шубҳа қўймаймиз. Айниқса, АҚШ президентининг рафиқаси Хиллари Клинтон хонимнинг юртимизга таърифи Ўзбекистон ҳар жиҳатдан ҳам ишқиса бўлган дўст, суҳбас бўладиган ҳамкор эканлигининг ўзига хос тан олинмайдир.

Утган йилнинг тарихига Бухоро ва Хива шаҳарларининг йили бўлиб ҳам қаради. Буюк тарихимизнинг соқчиларидек қад ростилаб турган Минораи Калон, Ислоқхўжа миноралари, хоржиқларни ўзига қорлаб турган Лабиқхўжа Богачхўжаларнинг бўйларидеги шодиёналар гулдуриси бутун юртимизга бўйлаб таралди. Шундоқ шаҳарларимиз борлигига беадад шўронлар қилган бўлсангиз не ажаб, азиз юртдошим!
«Устоз отандек улуг», дейди халқимиз. Утган йили би-

Дил изҳори

Бугун Янги йил оқсоми. Оилалар жамулжам. Байрам дастурхони ба- дастур. Ликобларда олма, узум, хурмо, лимон, апельсин, мандарин...

Республикамиз Президенти Ислам Каримов биринчи чакirik Узебекистон Республикаси Олий Мажлисининг куни кеча ўз ишини тугаллаган ўнинчи сессиясида сўзлаган нутқида асосий эътиборни қишлоқ хўжалигида ислохотларни кескин чуқурлаштириш муаммолари- ни ечиш масалаларига қаратди...

йилни катта ютуқлар билан қарши- ламоқдалар. Шу йилнинг ўзида 15 миллион туп сархил, ширин-шакар мева...

ДАСТУРХОНИГИЗ ТЎКИН БЎЛСИН

таъминладик. Богдорчиликни ривожлантириш, янги боғлар барпо этишда уларга илмий маслаҳат ва амалий иш билан ёрдам бераямиз.

Бозор иқтисодиёти институт илмий ходимлари таркибиди ҳам жидай ўзгаришлар ясади. Эндиликда жамоамизда илм-фанга содиқ олтмишдан кўпроқ ходим- лар ишламоқдалар.

касалликларига қарши кураш ҳамда иқтисодиёт соҳаларида эришган ютуқлари билан жамоа- нинг хурмат-эътиборига сазовор бўлмоқдалар.

Илмий-ишлаб чиқариш институ- тимиз чет мамлакатлар билан ҳам узвий алоқа боғлаб иш олиб бор- моқда. Тўғрроғи АҚШ, Япония каби ривожланган мамлакатлар илм-фан соҳиси намояндлари жамоамиз олиб бораётган катта яратувчилик ишини эътироф этмоқдалар.

...Кўш қишлоғини қиляпти. Сурранг булутлар тинмай қор эламоқда. Бог-роғлар оппоқ қор кўрпага бурканган. Аммо иссиқона- ларимизда баҳор. Памидор ва бодиринг, лимон, апельсин ва мандарин ҳосили пишиб етилди.

Махмуд МИРЗАЕВ, Р. Шредер номли богдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-ишлаб чиқариш бirlашмасининг бош дирек- тори, қишлоқ хўжалик фанлари докто- ри, академик, Меҳнат Қаҳрамони.

ИНСОН МАНФААТЛАРИДАН — ОИЛА ФАРОВОНЛИГИГА

ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ташаббуси билан эълон қилинган Инсон манфаатлари йилида мамлакатимиз бўйича ху- сусан, вилоятимизда катта бунёдкорлик ишлари амал- га оширилди.

Хуллас, утган йилда яратилган имтиёزلардан ҳар бир оила, ҳар бир киши баҳраманд бўлди, деб бема- лол айтиш мумкин.

Биз юқоридаги савол билан турли бшдаги, турли касбдаги юртдошларимизга мурожаат қилдик. Қуйи- да уларнинг жавоблари эътиборингизга ҳавола этил- моқда.

АРДОҚДА БЎЛДИМ

Тўғон ЭШОНКУЛОВА, Тошкент туманидаги Тўғон Мирзаев номли жамоа хўжалиги фахрийси: —УЎЛИ-ҚИЗЛАРИМ са- сон ёшга тулганини учун туй қилиб беришди.

Бизнинг сўхбат давомида барча кўрсаткичлар бўйича юқори натижаларга эришилди. Давлатга галла топ- ширш режаси ошириб адо этилди.

Янги йилимиз файзли, кут- луғ келсин. Юртимизга, барча- барчага тинчлик омонлик тила- раман. Хонадонлардан файз- барака аримасин.

БИР УМР ЁДИМДА ҚОЛАДИ

Антонина ДМИТРИЕВА, Бўстонлик туманидаги 2-мактабнинг маънавий ва тарбиявий ишлар бўйича директор ўринбосари: —УШАНДА хушхабарни биринчи бўлиб ҳамкасбларим етказишди.

Биз одатда миллатлар дўстлиги ҳақида гапиримиз, аммо бу тўғунинг қалбимизга бир олам меҳр ва қувонч беришини ҳар қачон ҳам ҳис этаверишимиз. Касбдошларим даврасида мени ана шу меҳр-оқибатнинг бекуёс лаз- зати ўз оғушига олиб эрка- ларди.

Биз одатда миллатлар дўстлиги ҳақида гапиримиз, аммо бу тўғунинг қалбимизга бир олам меҳр ва қувонч беришини ҳар қачон ҳам ҳис этаверишимиз. Касбдошларим даврасида мени ана шу меҳр-оқибатнинг бекуёс лаз- зати ўз оғушига олиб эрка- ларди.

Бизнинг сўхбат

ларимизга иш- дан хорманг- лар, дей уқти- раман. Улар бажонд ил қулқ солишди.

ИНСОН ЯХШИ ЯШАСА...

Мирзаевлар БЕКШЕВ, Юқоричирчиқ туманидаги "Йик ота" жамоа хўжалиги раиси: —УТГАН йил ҳаётимда ўта масъулиятли йил сифатида ёркин из қолдирди.

"ОЛТИН ҚАНОТ" ҚАТОРГА ҚЎШИЛДИ

Бўстонлик туманида хорижлик тадбиркорлар билан бирга барпо этилган яна бир қўшма корхона маҳсулот бера бошлади

Хозирги вақтда Бўстонлик туманида хо- рижий фирмалар билан ҳамкорликда барпо этилган қатор қўшма корхоналар ишлаб ту- рипти.

— Сиз вақили бўлган "Си Ри" компани- яси парранда гўшти етиштириш билан шуғулланидиган жаҳондаги йирик компани- ялардан бири.

— Компаниямизнинг жаҳоннинг жуда кўп мамлакатларида парранда гўшти етишти- радиган корхоналари бор.

етарли. Бундан ташқари, Ўзбекистон ҳуку- мати чет эл бизнесменларини бу ерда тад- биркорлик билан шуғулланишлари учун қулай шароитларни яратиб берди.

— Умумини бевосита фирма хузурида етиштириш ўзлаштириш мумкин эмас- ми? Ахир уни Нидерландиядан олиб ке- лиш қанча қимматга тушаётган ва фирма ишлаб чиқараётган маҳсулот таннархи- нинг ошишига сабаб бўлаётган бўлса кер- рақ?

— Фирмагизга тўла қўшилиман. Ҳозирча шундай қилишга мажбур бўляпмиз. Ишлаб чиқаришни яхши йўлга қўйиб олиш, етиш- тириладиган маҳсулот таннархини арзон- лаштириш учун маҳаллий имкониятлардан фойдаланишга ҳаракат қиламиз.

— Фирмагиз меҳнат аҳли ҳозирги вақтда 75 мингга товуқ ва жўжани парвариш қил- моқда. Ҳар бир парранда маромига етиши учун 2 ой боқилади.

бўлган асбоб-ускуналарни олиб келиш му- аммоси ҳал қилинди. Айна вақтда парран- даларга бериладиган турли хил дармондо- рилар ва маҳсулотлар ҳамда жўжа очирши учун туҳум билан таъминлаш ҳам келишиб олинди.

Шундан сўнг фирманга ташкил этишга ки- ришдик. Бунинг учун уч ой вақт кетди. Мана, бир ойдан ошиқроқ вақтдан буён корхона ўз маҳсулотларини бозорга чиқармоқда.

Хозирги вақтда жўжа очирши учун туҳум Нидерландиядан келтирилмоқда. Келишув- га мувофиқ ҳар ҳафтада 20 мингга туҳум олиб турибмиз.

— Фирмагизга тўла қўшилиман. Ҳозирча шундай қилишга мажбур бўляпмиз. Ишлаб чиқаришни яхши йўлга қўйиб олиш, етиш- тириладиган маҳсулот таннархини арзон- лаштириш учун маҳаллий имкониятлардан фойдаланишга ҳаракат қиламиз.



маҳсулот ишлаб чиқаришга эришишни таъминлашда маҳаллий ишчи-хизматчи- лар ниҳоятда жонбозлик кўрсатганликла- рини таъкидламоқчи эдим.

— Қўшма корхонамиз икки йирик давлат- лар — Туркия ва Ўзбекистон халқларининг янада яқинлашувига, икки ўртадаги ҳам- корликнинг кучайишига хизмат қилаётган- лиги, Ўзбек халқи дастурхонига пархез гўшт етиштириб бераётганлигидан мен чексиз фахрланаман.

Сўхбатдошлар: Мирсобир МИРАХМЕДОВ, Юсуф ҚОБУЛЖОНОВ. СУРАТЛАРДА: қўшма корхона раҳбари Омар Лутфий Олемдар ва ишчи Рафия Жумашева тайёр маҳсулотнинг сифатини кўздан кечиришда (юқоридан); жўжабоқар Уроғул Солибекова (чапдан биринчи); ишчилардан Гулжон Молдақулова ва Осинқул Раев маҳсулотни жўнатишга тайёрламоқдалар.

ЯНГИ ЙИЛДА ЯНГИЛИКЛАР КЎП БЎЛАДИ

Ҳар бир жамоа янги йилни янги меҳнат ютуқлари билан қутиб олишга одатланган. ТОШКЕНТ ТУМАНИДАГИ АБДУРАҲМОНОВ НОМЛИ ЖАМОА ХЎЖАЛИГИ меҳнаткаш- лари ҳам бу аъянага содиқ қолиб, ўтган йили бир қанча хайрли ишлари амалга оширдилар.

ҲАММА ҚУЛАЙЛИКЛАРИ БОР


ҚИРАРИҚ қишлоғидаги т.сликника анча эскириб қол- ган, бу ерда беморларни қабул қилиш учун етарли шарт- шароит йўқ эди.

МАКТАБ ҚУРИЛИШИ БОШЛАНДИ


ТАЪЛИМ тўғрисидаги янги қонуннинг ҳаётга ичкил тат- биқ этилиши, табиийки, ўқувчиларга мактабда яратиб бе- риладиган шарт-шароитга боғлиқ.

ТЎЛИҚ ТАЪМИНЛАНДИЛАР

ХЎЖАЛИҚ аҳолини газ ва ичимлик сув билан таъ- минлаш юзасидан ҳам катта ишлар амалга оширилди. Қи- ска вақт ичида уч километр масофадаги сув қувурлари янгидан таъмирланди ва бу билан қишлоқ аҳолисини ичим- лик сув билан таъминлаш масаласи тўлиқ ҳал этилди.



ЯККА ТАРТИБДА МЕХНАТ ФАОЛИЯТИ БИЛАН ШУГУЛЛАНУВЧИ ТАДБИРКОР ФУҚАРОЛАР ДИҚҚАТИГА! 1997 йилда ҳақиқий олган даромадиниз ҳақидаги декларацияни ўзингиз яшаб турган (туман, шаҳар) солиқ инспекциясига 1998 йил 15 январгача тақдим этишингиз лозимлиги ҳақида Тошкент вилояти Давлат солиқ бошқармаси эслатиб ўтди ва Янги — 1998 йилда Сизга бахт-саодат ва иқтисодий барқарорлик тилайди.



Ўзбекистон-Англия
«Конвин»
қўшма корхонаси
Янги - 1998 йил
муносабати билан
Ўзбекистон Республикаси
бутун халқини муборакбод этади.

*Янги йилда барчага тинчлик,
 бахт-саодат ва
 фаровонлик тилайди.*

«Конвин» қўшма корхонаси

702180, Ғазалкент ш., Заводской кўчаси, 48 уй.
Тел.: (8-37174) 27806, Факс: (8-37174) 21290

© РИА «Тошкент-Таймс»

Coca-Cola Ichimligi Toshkent Ltd.
1998 йил сизга бахт
келтиришига тилакдошдир



ЎЗБЕКИСТОН-ГЕРМАНИЯ
«ТШ-СЕРВИС»
қўшма корхонаси

Ўзбекистон Республикаси,
бутун ўзбек халқини

Янги-1998 йил билан

самимий қўтлайди. Янги йилда
барчага бахт-саодат, равнақ
ҳанда фаровонлик тилайди!

«ТШ-Сервис»
қўшма корхонаси.

Ташкилот

- БЭИДЖЛАР
- ВИЗИТКАЛАР
- ТАКЛИФНОМАЛАР
- БЛАНКАЛАР
- ТАБРИК ПАПКАЛАРИ
- ГУВОҲНОМАЛАР
- ДИПЛОМАЛАР

Таёёрлаб беради

Тел.: (371) 136-53-54

Педж.: (067) 40-87



© РИА «Тошкент-Таймс»

ДЎРМОНДАГИ ШОДИЁНА

"ЎЗБЕКНАВО" гастрол-концерт бирлашмасининг Тошкент вилояти бўлими ташаббуси билан Қибрай туманидаги "Дўрмон" маданият саройида Арча байрами ўтказилди.

Байрам шодиёнасида "Сарбон" гуруҳи, шунингдек, тумандаги Дадамирза Муродов етакчилигидаги санъаткорлар хизмат қилдилар.

Ўз муҳбиримиз.

НИМА? ҚАЧОН? ҚАЕРДА?

ЮКОРИЧИРЧИК тумани ёшларининг "Қамолот" жамғармаси бўлими ташаббуси билан туманидаги "Дўрмон" маданият саройида Арча байрами ўтказилди.

ОҚҚЎРҒОН туманида ҳам жамғарманинг туман бўлими ташаббуси билан туманидаги "Дўрмон" маданият саройида Арча байрами ўтказилди.

ХУДДИ шундай Янги йил байрамини бағишланган кўнгилдор кечалар Чирчиқ, Бекобод шаҳри, Бўка, Бўстонлик туманларида ҳам бўлиб ўтди.

Жўра МАҲМУДОВ.

БАЙРАМИНГИЗ ХУШЧАҚ ЧАҚ ЎТСИН

Байрамни чиройли қилиб яратилган арчасиз тасавур қилиш мумкин эмас. Мактаб ва болалар боғчаларида, корхона ва ташкилотларда, хушас, ҳамма жойда арча байрамларини ўтказишда ёнги чиройининг олдини олиш учун қуйидаги ёнги хавфсизлиги қондаларига риоя қилиниш шарт.

Байрам ўтказилган жойлар телефон алоқаси билан таъминланган бўлиши лозим. Арча ўрнатилган хоналар, майдончаларни ўт ўчириш воситалари билан таъминлаш биринчи галдаги вазифадир.

Арчани хонанинг ўртасига мустаҳкам қилиб ўрнатиш, унинг шохлари ва учки қисми хона шифти ҳамда деворларга тегиб турмаслиги шарт. Тез ёнувчан ўйинчоқлар ва пахта билан безаш, бенгал шамлари, портловчи ва феърверкларни ишлатиш, ҳар хил номерли электр симлари ва тақинчоқлар билан безатиш қатъан ман этилади.

Хурматли ота-оналар, корхона ва муассаса раҳбарлари! Ўқорида эслатиб ўтилган ёнги ёнги олдини олиш ҳар биримизнинг инсонийлик бурчимиздир.

Тошкент вилояти ИИБ ЁСБ ходимлари ҳаммани кириб келаётган янги 1998 йил билан самимий кўлайди!

1998 Ойида

ЙИЛ

ЙИЛИ

Calendar for January (Январь) with days of the week and dates.

Calendar for February (Февраль) with days of the week and dates.

Calendar for March (Март) with days of the week and dates.

Calendar for April (Апрель) with days of the week and dates.

Calendar for May (Май) with days of the week and dates.

Calendar for June (Июнь) with days of the week and dates.

Calendar for July (Июль) with days of the week and dates.


Calendar for August (Август) with days of the week and dates.

Calendar for September (Сентябрь) with days of the week and dates.

Calendar for October (Октябрь) with days of the week and dates.

Calendar for November (Ноябрь) with days of the week and dates.


Calendar for December (Декабрь) with days of the week and dates.



"ТОШКЕНТ ҲАҚИКАТИ" газетаси тахририяти барча юртимозларимизни Янги — 1998 йил билан чин гулдан табриклайди! Бу йил ҳам биз билан бўлинг!

БАЙРАМ КҮНЛАРИ

- 1998 йилнинг қуйидаги кунлари умумхалқ байрами деб эълон қилинган. 1-Январь — Янги йил. 8-Март — Хотин-қизлар куни. 21-Март — Наврӯз байрами. 9-Май — Ғалаба куни. 1-Сентябрь — Мустақиллик куни. 1-Октябрь — Ҳаётининг биринчи кунлари. 8-Декабрь — Конституция куни.



ЙУПБАРС КЕЛАЯПТИ...

Ҳозир қайси ой, қайси сана, ҳафтанинг қайси кунини? Бундан биз билан биз деворга осиб қўйиладиган, стол устида турадиган ёнги чунгағимизда олиб юрадиган тақвимномадан биланамиз.

Тақвимноманинг ватани қадимги Миср ҳисобланади. Анча кейин милоддан аввал 46-йилда Юлий Цезар мисрликларнинг тақвимномасига тузатиш киритди ва у "Юлий тақвимномаси" деб атала бошланди.

Бунда ойлардаги кунлар сонини бир хил эмасди. Биринчи 30 кун, иккинчиси 31 кун, февраль ойида эса, ҳатто, 28 кун. Ана шу ёнги қисқа ойга — тўрт йилда бир марта ошқича бир кунни қўша бошланди. Натичада, февраль ойи 29 кун келадиган йил қабиса йили деб атала бошланди. Кунлар эса 366 кунга өтди.

Биз ҳозир фойдаланяётган тақвимнома ана шу тарих асос солинган. Гап шундаки, ҳисоб-китоблар бир йил 365 кун 5 соат, 48 дақиқа, 46 сониядан иборат эканлигини кўрсатди.

Энг аниқ ҳисоб-китобли тақвимнома — буюк шоир, файласуф, риёзётчи олим ва фаалакёт илмининг билимдони Умар Ҳайём тузган. Тарихнинг шоҳиди беришчи, Умар Ҳайём тақвимномаси Эронда ҳижрий 471 йилнинг 10 рамазонидан (1709 йил 16 мартдан) бошлаб ислоҳ билан қабул қилинди ва XIX асргача қўлланиб келинди.

Шундан кейин ўн икки йиллик мучал (Сичон, Сигир, Йулбарс, Кўён, Балқ, Илон, От, Маймун, Туюк, Ҳит ва Тўғиз) йил ҳисоби билан юртилиб келган йил тақвимномасига ўтилди.

МУҲАЛ тақвими 22 мартдан бошланади. Ҳозирги тақвимдаги январь, февраль ва 21 мартга бўлган давр олдинги мучал йили ҳисобига қиради. Одатда инсон ёши мучал йили билан ҳисобланганда унга яна бир йил қўшилади.

ЙУЛБАРС мучали 1998 йил 21 мартда қиради. Йулбарс мучалида туғилганлар қаттиқ-қўлликлар, жиддийликлар ва бошқа ижобий томонлари билан ажралиб турадилар. Авларнинг турмуш ўртоқлари оламдан орта кўз юмдилар, чунки, улар эрларнинг айтганларини қасослик билан бақармайдилар. Йулбарс йили охирида бирор максатини қўлаб, иш қилсалар, ширинча эмас, балки, очик йўл туздилар. Одамлар уларни ҳурмат қиладилар ва илик муомалада бўладилар. Йулбарс мучалида туғилган йил соҳиблари билан турмуш курсалар ҳосиятли бўлади, дейдилар.

"Тошкент ҳақиқати" газетасининг навбатдаги сони 5 январь — душанба кунини чиқади.

ОйЛА — Оппок орузлардан яралган дунё! ОйЛА — Ошиқлар ёқини ният қилган чироқ! ОйЛА — Оқ ҳарига ўралган ва келинчакнинг дуоларидан титраб турган дил. Ёки кўб бўлиши йигитнинг ширин антиқшиларидан тўкилиб турган қувончининг ранги!

нинг рўшнолиги оталар зиммасида. Оталар салобати — оиланинг салобатидир. Фарзандлар қалбида ҳалоллик ва ҳақиқат чиройини аввал оталар ёқди. Ҳалол ризқ жон қадар ширин ва қадри эканини ўргатувчи ҳам оталардир.

Азизлар! Мана, умримиздан бир кун эмас, яна бир йили тарихга айланади. Биз янги йилни оиламиз даврасида бениҳоя қутлуғ оруз-умидлар билан қутиб оларканмиз, албатта, дилимиздан бир ўй кечди. Ортимизда нималар қолди? Изимизда унган гуллар узок яшармикин? Ёққан чироқларимиз нури кўнгиллар қатига кириб борармикин?

Янги йил дастурхони теварағида нигоҳлар тўқнашади, кўнгиллар адоқсиз саволлар гирдобиде чайқалади. Ҳаёт кўзгусида ҳеч қачон ўзимизни кўролмаимиз. Аммо, кўнгли кўзгусига тафаккур ва ақл нигоҳи ила боқинг. Ўзингиз ўзингизни бутун буй-бастигиз билан эмас, балки, гуноҳу савобингиз билан кўрасиз. Албатта, ҳаммаша ўйлаган йилнинг, қўл урган ишинг поёнига етавермайдми. Шунда эртанги кунингдан умид қиласан, киши.

тарихий саҳифаларида қолди. Бугунги овоз ўзбеклар, мустақил Ўзбекистон фуқаролари билан эса дунё халқлари сирлашяптилар. Тенглик асосида, ҳурлик асосида ҳамкорлик қўлаштилар. Юртимиз Ислам Каримов раҳбарлигида қўлаштирилган ҳаммаки зағу ишлар Ўзбекистон аталми КАТТА ОИЛАНИНГ бахт-саодати учундир. Шунинг учун Янги йилнинг ОйЛА йили деб аталгани кўнгиллар чиройини нурафшон қилиб ёқди. Дилда ишончи гулбаб турган одамнинг йўлини тўсиб бўлмайдми. Бугун ўзбек халқининг хурият боғи, тафаккур боғи гул очяпти. Бугун унинг ишонч тоғи қад ростлаяпти. Энди ўзбек оиласи бахтини, фуқаролари ҳурлигини, миллат қадри-қимматини озиқ-овқатга алашмайдми.

ЮРТИМИЗГА — ОМОНЛИК, ЭЛИМИЗГА — ОБОДЛИК

Бади

ОИЛАМИЗ боғининг булбуллари, турфа гуллари — булар фарзандларимиздир. Бошимизда ёнги турғувчи чиройимиз, изимизда унчи турғувчи ниҳолимиз фарзандларидир. Ҳеч қим биздан қурган шохона иморатларимиз, миниб юрган машиналаримизнинг нуҳасини сурамайди. Ҳол-аҳвол сўрашган яқинлар, албатта, оила осийишталлиги, ота-она, фарзандлар саломатлиги ҳақида сўрайди.

ТОШКЕНТ ҲАҚИКАТИ TOSHKENT HAQIQATI

Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир Фатҳиддин МУХИДДИНОВ

Матбуатимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Телефонлар: хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 133-40-48 Ёшлар: 133-99-15, 136-57-27.

Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.